

**ТАСДИҚЛАЙМАН**

**Ўзбекистон матбуот ва ахборот  
агентлиги Хайъатининг раиси**



**А.Х. Юнусов**

**25** » апрель

**Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги  
Хайъатининг кенгайтирилган йиғилиш  
БАЁНИ**

2016 йил “ 25 ” апрель

№ 5

Тошкент шаҳри

**Раислик қилувчи:** А.Х. Юнусов - Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Хайъатининг раиси

**Қатнашганлар:**

К.Т.Мансуров - Хайъат раиси ўринбосари

С.С.Шукуров - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ёшлар сиёсати, таълим, маданият ва спорт масалалари ахборот-таҳлил департаменти бош мутахассиси

Хайъат аъзолари - З.Т. Исаджанов, А.М. Бекмуратов

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги марказий аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва масъул ходимлар ҳамда тизимдаги корхона, ташкилотлар раҳбар ва масъул ходимлари (рўйхат бўйича).

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитасининг 2016 йил 11 мартдаги Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг “Ноширлик фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Самарқанд вилоятида ижро этилиши ҳолатига оид кенгайтирилган мажлиси қарори натижалари ҳақида**

---

(Юнусов, Мансуров, Муродов, Исаджанов, Худойкулов, Тангриев, Маҳкамов, Миркомиллов, Амонов, Кан, Ҳамдамов, Урунов, Ташмурадов)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2016 йилдаги иш режасига асосан жорий йилнинг 11 мартда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитасининг кенгайтирилган мажлисида Ўзбекистон матбуот ва ахборот

агентлиги Бош директорининг “Ноширлик фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Самарқанд вилоятида ижро этилиши ҳолати юзасидан ахбороти эшитилди.

Ушбу парламент эшитувининг самарадорлигини таъминлаш, қонуннинг амалаётда қўллашдаги муаммоларини аниқлаш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Қўмитаси ҳамда Агентлик томонидан ноширлик ва матбаа фаолиятига оид қонун ҳужжатларининг инвентаризацияси ўтказилди. Шунингдек, жорий йилнинг 19 февralида Самарқанд шаҳрида Самарқанд, Қашқадарё ҳамда Навоий вилоятлари нашриётлари ва матбаа корхоналарининг раҳбарлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва бошқа фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари иштирокида “Ноширлик фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш” мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Тадбир давомида соҳага оид ижтимоий фикрларни ўрганиш ҳамда қонуннинг амалиётда ижро этилишидаги муаммоларни аниқлаш мақсадида иштирокчилар ўртасида ижтимоий сўров ўтказилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги “Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида”ги ПҚ-1672-сон қарори билан ноширлик ва матбаа корхоналарига белгиланган имтиёз ва преференциялар таҳлил қилинди.

Бундан ташқари, мамлакатда ноширлик ва матбаа корхоналари фаолиятининг аҳволи ва истиқболдаги ривожига доир маълумотлар асосида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг ноширлик-матаа соҳасидаги фаолияти таҳлил қилинди.

Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан ноширлик фаолияти соҳасида амалга оширилган ишлар билан бир қаторда ноширлик ва матбаа корхоналари фаолиятига оид қонун ҳужжатларини қўллашда ноширлик фаолиятини тартибга солишга қаратилган қонун ости ҳужжатларининг етарли эмаслиги, ноширлик ва матбаа фаолиятига рухсат бериш жараёнларида давлат хизматларини кўрсатишда ахборот коммуникация технологиялари лозим даражада қўлланилмасдан келинётгани аниқланган.

Мазкур камчиликларни бартараф этиш юзасидан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси билан келишган ҳолда парламент эшитуви давомида қонунни қўллаш амалиётида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Ушбу чора-тадбирлар режасини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Регламенти ҳамда иш юритиш Йўриқномаси талабларига мувофиқ,

### **ҲАЙЪАТ ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**1. Оммавий ахборот восилари ва нашриётлар фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси (Х.Муродов)нинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг “Ноширлик фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Самарқанд**

вилоятида ижро этилиши ҳолати юзасидан ахборотини эшитиш якунлари тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

**2. Агентлик марказий аппарати бошқарма ва бўлим бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги, Тошкент шаҳар ва вилоят матбуот ва ахборот бошқармалари раҳбарларига:**

Қўмитанинг 2016 йил 11 мартдаги Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Бош директорининг “Ноширлик фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Самарқанд вилоятида ижро этилиши ҳолати юзасидан ахборотини эшитиш якунлари тўғрисидаги 05/2-02-1 сон қарори ҳамда Агентлик томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси билан келишган ҳолда парламент эшитуви давомида қонунни қўллаш амалиётида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича ишлаб чиқилган чорá-тадбирлар режасида белгиланган вазифаларни ўз муддатларида, юқори савияда бажариш вазифаси юклансин.

**3. Юридик бўлим (Мамаюсупов), Лицензиялашни ташкил этиш бошқармаси (Кан), ОАВ ва нашриётлар фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси (Муродов)** жорий йилнинг 20 майига қадар Ноширлик ва матбаа корхоналари фаолиятига оид қонун ҳужжатларини замон талабларига мослиги ҳамда жавоб бериши жиҳатидан кўриб чиқилишини ташкил этсин ҳамда улар юзасидан таклиф киритилишини таъминласин.

**4. Матбаа корхоналарини сертификатлаштириш ва стандартлаштириш масалалари бўйича мувофиқлаштириш бошқармаси (Хашимов), Юридик бўлим (Мамаюсупов)** жорий йилнинг апрель ойи охиригача Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 декабрдаги “Матбаа корхоналарини рўйхатга олиш ва ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 454-сон қарори билан тасдиқланган Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Ҳукумат қарори лойиҳасини тайёрласин ва Ҳукуматга киритилишини таъминласин.

**5. Иқтисодий таҳлил ва прогнозлаштириш бошқармаси (Миркомиллов), Юридик бўлим (Мамаюсупов):**

**2016 йилнинг 20 майига қадар** Китоб сотувига ихтисослашган корхоналарнинг барқарор фаолият кўрсатишини қўллаб-қувватлаш ҳамда шаҳар ва қишлоқларда замонавий китоб дўконларни ташкил этиш мақсадида китоб маҳсулотлари сотиб олиш учун уларга имтиёзли кредитлар бериш ҳақида Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини тайёрланишини;

**жорий йил июнь ойининг 25-санасигача** Матбаа корхоналарини тизимли равишда модернизациялаш ишларини узлуксиз олиб бориш учун уларнинг бино иншоотларини гаровга қўйишга рухсат бериш учун Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини тайёрланишини ташкиллаштирасин.

**6. Юридик бўлим (Мамаюсупов), Лицензиялашни ташкил этиш бошқармаси (Кан), ОАВ ва нашриётлар фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси (Муродов):**

**жорий йилнинг 25 августига қадар** “Ноширлик фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг амалиётда қўлланиши: “Ноширлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг долзарб масалалари” бўйича илмий-амалий тадқиқот ўтказилишини ва натижалари юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилишини таъминласин;

**2016 йил 10 сентябригача** ўтказилган илмий-амалий тадқиқот натижалари юзасидан ишлаб чиқилган тавсияларнинг ижроси ҳақидаги ахборотни Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасига тақдим этилишини таъминласин.

**7. АКТни ривожлантириш бўйича махсус бўлим (Хамдамов), Лицензиялашни ташкил этиш бошқармаси (Кан), Матбаа корхоналарини сертификатлаштириш ва стандартлаштириш масалалари бўйича мувофиқлаштириш бошқармаси (Хашимов):**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4725 сон қарор ижросини таъминлаш мақсадида Агентликнинг давлат хизматларини интерактив кўринишга ўтказиш, ноширлик, ОАВ ва матбаа соҳаларидаги юридик ва жисмоний шахслардан келиб тушадиган аризаларнинг маълумотлар базасини яратиш, қайта ишлаш ва кўриб чиқиш мақсадида ягона автоматлаштирилган тизим ишлаб чиқилишини ва иш жараёнига татбиқ этилишини **2016 йил давомида таъминласин;**

**8. ОАВ ва нашриётлар фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси (Муродов), Матбаа корхоналарини сертификатлаштириш ва стандартлаштириш масалалари бўйича мувофиқлаштириш бошқармаси (Хашимов):**

республика нашриётлари ва матбаа корхоналари томонидан соҳага доир қонунлар ва қонуности ҳужжатларига риоя қилинишининг доимий мониторинги ва таҳлилини олиб бориш, заруратга кўра тегишли таклифлар тайёрласин;

алоҳида режа асосида йил давомида республикада нашр этилаётган китоблар мазмун-мундарижасини бойитиш, ёшлар қизиқишларига мос адабиётлар билан таъминлашни ташкил этиш мақсадида республика нашриётлари бош муҳаррирлари иштирокидаги ҳудудий ўқув-амалий семинарлари ўтказиб борилишини таъминласин;

Агентлик тизимидаги нашриётлар ва хусусий нашриётларнинг Агентлик билан тузилган лицензия шартномаси шартларига риоя этилиши ва нашр этилган босма нашрларнинг соҳага оид қонун ва қонуности ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан мониторинг ўтказиб бориш, аниқланган қонун бузилиш ҳолатлари юзасидан тегишли чоралар белгилаш ишларини қатъий назоратга олсин;

**жорий йилнинг май ойида** Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказлари ҳамда Тошкент шаҳрида “Адабиётга эътибор – келажакка, маънавиятга эътибор” шиори остида ўзбек тили ва адабиётини ривожлантириш орқали халқ маънавиятини, китобхонлик маданиятини юксалтириш, ёзувчи ва ўқувчи ўртасидаги мулоқотни кучайтириш, оилавий китоб ўқиш анъаналарини тарғиб қилиш, ёшларни миллий адабиётга, Она-Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга ҳисса қўшишга қаратилган Республика “Китоб байрами” маънавий-маърифий тадбирини ўтказишни ташкил этсин;

Йил давомида тизимдаги корхоналар томонидан “Ижод” фонди маблағлари ҳисобидан миллий кадриятларимиз, ёшларимизни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, интеллектуал эҳтиёжини қондирувчи, дунёқарашини кенгайтирувчи, замонамиз қаҳрамонлари образини талқин этувчи бадиий жиҳатдан юксак асарларни яратиш ва нашр этиш бўйича Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда 2016 йил режаси ижросини ташкил этсин;

**2016 йилнинг ноябрь ойида** республика нашриётлари томонидан сўнгги йилларда нашр этилган китоблар намоишини ташкил этиш ва уларни

рағбатлантириш мақсадида “Йилнинг энг яхши китоби” Республика танловининг юқори савияда ўтказилишини таъминласин;


тизимдаги корхоналар томонидан жорий йилнинг август ойида мустақилликнинг 25 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов асарларининг 24-жилдини, “Мустақил Ўзбекистон - 25 йил”, “Ўзбекистон – буюк алломалар юрти”, “Ўзбекистон хунармандчилиги ва амалий безак санъати” каби китоб-альбомларни нашр этилишини назоратга олинсин:

**сентябрь ойида** мустақиллик йилларида адабиёт, маданият ва ноширлик соҳаларида қўлга киритган ютуқ ва марраларимизнинг маъно-моҳиятини ҳамда болалар адабиётини ривожлантириш, фарзандларимиз маънавиятини юксалтиришга, кадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлашга давлат даражасида берилаётган эътиборни кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида “Соғлом ва маънавий етуқ авлод – юрт келажаги!” шиори остида “Болалар китоби” республика фестивалининг юқори савияда ўтказилишини ташкиллаштирсин.

9. Умумий бўлим (Гашмурадов) ушбу қарорнинг барча ижрочиларга етказилишгини таъминласин ва ижроси юзасидан тақдим этиладиган хисоботларнинг белгиланган тартибда назоратини юритсин.

10. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда колдираман.

Баённо ёзди



М.Оманов